"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Поп туман Мактабгача таълим
бўлими мудири
_____________ О.Хайрилаева
_26 октябр_ 2022 йил

Поп туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли
17-сонли мактабгача таълим ташкилотини ташқи
деворини жорий таъмирлаш ишларини
бажариш учун ташкилотни танлаш буйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман Мактабгача таълим бўлими

Поп тумани-2022

## 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

**1.1. Товар ва хизматларинг характеристикаси**

| № | Бажариладиган хизматлар тури | Миқдори |
|---|---|---|
| 1 | 17-сонли мактабгача таълим ташкилотини ташқи деворини жорий таъмирлаш | 1 |

1.2. Танлов климата 52 396 956 (Эллик икки миллион уч юз туксон олти минг туккиз юз эллик олти) сўм. Ушбу қийматдан ортик, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чикилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов хужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

**1.4.** Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблаги утказилган кундан бошлаб хисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

**2.1. Поп** тумани мактабгача таълим бўлими "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси хисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп шахар Обод кўча 1-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда тартибда,белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

**3.1.** Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

. 3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган мехнат ресурслари ва мутахасисларнинг
мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фукоролик-муомала хуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;,-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми *(50 фоиздан кам. бўлмаган холда);* Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар *(хизматлар)ни* бажариш билан боғлик фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофик тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

## 4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ

4.1. Иштиркчилар ўз таклифларини электрон кўринишда (etender.uzex.uz) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.
- Нархлар қисми, Танлов шартларида белгиланган нархлар доирасида, хизматларни бажариш муддатлари, тўловлар таркиби ва якуний тўловлар ва бошқа боғлиқ кўрсаткичлар кўрсатилган булиши керак. Танлов иштирокчилари хар бир таклифларни яхлит холда тикилган, номерланган ваколатли шахс имзоси ва мухр билан тасдиқланган холда ёки хар бир варағини мухрлаб тасдиқланган холда тақдим этишлари лозим.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш хуқуқига эга.

## 5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид коммиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

## 6. БОШҚА ШАРТЛАР

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга хақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вактда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга хақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси,агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-мохиятини ўзгартирмаслиги керак.

"Тасдиқлайман"
Поп туман Мактабгача таълим
бўлими мудир
_____________О.Хайрилаеа

26 сентябр 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

*{техническое задание)*

## Поп туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли 17-сонли мактабгача таълим ташкилотини ташқи деворларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш учун ташкилотни танлаш буйича

БЮРТМАЧИ: Поп туман Мактабгача таълим бўлими

Поп тумани-2022

# Поп туман Мактабгача таълим бўлимига қарашли 17-сонли мактабгача таълим ташкилотини ташқи деворларини жорий таъмирлаш ишларини

Таъмирлаш буйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

| № | **Асосий талаблар** *(основный требования)* | **Асосий маълумот ва талаблар** *(основный информация и требования)* |
|---|---|---|
| 1. | Бюртмачи *(заказчик)* | Поп туман Мактабгача таълими бўлими |
| 2. | Тўлов шартлари *(условия оплаты)* | Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. |
| 3. | Тўлов валютаси *(валюта платежа)* | Миллий валюта - сум *(сум)* |
| 4. | Хизмат кўрсатиш шартлари „ *(условия оказания услуг)* | Техник топшириклар мижознинг манзилида амалга оширилиши лозим. *(согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)* |
| 5. | Етказиб бериш вақти *(срок поставки)* | 2022 йил октябр ойининг иккинчи ўн кунлиги |
| 6. | Молиялаштириш манбаи *(источник финансирования)* | Махаллий бюджет |
| 7. | Танлов шартлари *(условия выбора)* | Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши. |